

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ PhD ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.
05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

МАХМУДОВ ЎТКИР ҲАЙДАРОВИЧ

**ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ЕРЁНҒОҚ ВА
СОЯ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ТАЪСИРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН–2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation on
agricultural sciences**

Махмудов Ўткир Ҳайдарович

Экиш муддатлари ҳамда меъёрларининг ерэнғоқ ва соя ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири (Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида).....3

Махмудов Уткир Хайдарович

Влияние сроков и норм посадки на рост, развитие и продуктивность арахиса и сои (в условиях светло-серозёмных почв Кашкадарьинской области).....17

Mahmudov Utkir Khaydarovich

Influence of planting dates and norms on the growth, development and productivity of peanuts and soybeans (in the conditions of light-gray soils of Kashkadarya region).....31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....35

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ PhD ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.
05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

МАХМУДОВ ЎТКИР ҲАЙДАРОВИЧ

**ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ЕРЁНҒОҚ ВА
СОЯ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ТАЪСИРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2019.3,PhD/Qx458 ракам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот
институтини Қашқадарё филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз
(резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (info@edu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-
таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халиков Баҳодир Мейликович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
профессор.

Расмий оппонентлар:

Ёрматова Дилором Ёрматовна
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
профессор.

Саттаров Масъуджон Ахтамович
кишлоқ хўжалиги фанлари номзоли,
катта илмий ходим.

Ўтказчи таъшилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари
илмий-тадқиқот институти.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация хисовиси Андижон кишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти ҳузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 ракамли Илмий
кенгашнинг «9» 07 2021 йил соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 170600,
Андижон вилояти Андижон тумани Куйган ёр шаҳарчаси Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Тел: (+99874)
373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail агаи info@edu.uz; Андижон кишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон кишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 06 раками
билан рўйхатга олинган). Манзил: 170600, Андижон тумани Куйган ёр шаҳарчаси Олийгоҳ
кўчаси 1-уй. Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Ахборот-ресурс
маркази биноси. Тел: (+99874) 373-10-54.

Диссертация автореферати 2021 йил «28» 06 куни тарқатилади.
(2021 йил «28» 06 даги 06 ракамли реестр баённомаси)



А.Исаилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

С.О.Абдурахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.,
профессор в.б.

К.С.Комилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.н., доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё кишлок хўжалиги амалиётида тупроқ муҳофазаси, унумдорлигини сақловчи ресурс тежамкор янги технологияларни кенг жорий этиш, ерларнинг агробиологик хусусиятларини яхшилаш, экинлардан юқори сифатли ҳосил етиштиришга эришилмоқда. «Халқаро ФАО ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёнинг 117 мамлакатида ерэнғоқ экилиб, экин майдони 27,7 миллион гектар, ялпи ҳосил 44 миллион тонна, ҳар гектар майдондан эса ўртача 1,6 (16 ц/га) тонна ҳосил етиштирилади. Дунёда соя экини 109,7 миллион гектардан ортиқ майдонда етиштирилиб, экин майдони йилига 4–5 фоизга ошиб бориши натижасида бир йилда 370 миллион тоннадан зиёд соя дони олинмоқда»¹. Шу билан бирга суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиш, такрорий экин етиштириш ҳамда ушбу экинлардан юқори ҳосил олишга эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда ерэнғоқ ва сояни ҳосилдорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ушбу экинларни парваришlashда экиш муддат ва меъёрларини аниқлаш, ҳосилдорлик ҳамда дон сифатини ошириш, аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, чорвачиликни тўйимли озуқа билан таъминlashда ерэнғоқ ва соянинг экиш муддатларини аниқлаш ва уруғ экиш меъёрларини белгилаш йўналишида илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб, ерэнғоқ республикамизда асосий экин сифатида 28–30 минг гектарда, такрорий экин сифатида эса 23–24 минг гектарда экилмоқда. Шунингдек, соя майдонлари ҳам кейинги уч йилда ёғ-мой саноатини хомашё билан таъминлаш мақсадида 5 минг гектардан 17 минг гектарга кенгайтирилди. Ўзбекистон Республикасини Президентининг «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»² ги Фармонининг 3.3 бандида «...бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга ёғ олинадиган экинларни экиш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш» масалалари алоҳида белгилаб қўйилган. Хусусан, ишлаб чиқариши соҳасини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, такрорий экин сифатида мойли экинларни катта майдонларда етиштириш ва мой ишлаб чиқариш миқдорини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада мазкур экинлар майдонларини йил сайин кенгайтириб бораётганлиги, айниқса, соя майдонларининг кенгайтириши республикамизнинг жанубий минтақаларига тўғри келаётганлиги сабабли Қашқадарё вилоятининг тупроқ иқлим шароитида мазкур экинларни парваришlash агротехникасини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотлар бўйича бугунги кун талаби ҳисобланади.

¹ http://faostat.fao.org/site/567/Desk_top_Default.As.px?Page_ID=567

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги 2017 йил 7 феврал ПФ–4947-сон фармони. Lex.uz/docs/4378526.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сон “2017–2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги 105-сон “Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Дунё бўйича энг кўп ерёнғоқ ва соя экиладиган мамлакатлар сирасига АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Аргентина, Бразилия, Жанубий Африка, Россия Федерацияси, Италия, Испания, Австралия, Кавказorti мамлакатлари киради. Ушбу мамлакатларда ерёнғоқ ва соянинг янги навларини синовдан ўтказиш, ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароитига мос навларни танлаш ва уларни тўғри жойлаштириш, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича кўп сонли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ерёнғоқ навларини яратиш ва етиштириш агротехникаларини хорижлик олимлардан: S.N.Nigam, D.Y.Giri, A.G.Reddy, J.A.Baldwin, S.N.Deshmukh, A.Krapoviskas, R.W.Gibbons, республикамизда В.Н.Чирков, Х.Н.Атабаева, М.Аманова, А.Рустамов, А.Абдуллаев, Т.Б.Азизов, Ф.Ачилов, Ж.Худайқулов ва бошқалар, соя экини бўйича В.Б.Енкен, Б.А.Рубин, В.И.Заверюхин, Б.И.Виноградов, республикамизда Х.Н.Атабаева, Б.М. Халиков, Н.Халилов, Р.Сиддиқов, Д.Ёрматова, М.Абзалов, И.Исроиловлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Аммо, ерёнғоқ ва соя экинларини кузги бугдойдан кейин такрорий экин сифатида Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида экиш меъёр ва муддатларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг илмий тадқиқот ишлари режасининг №ҚХ-А-ҚХ-2018-90 «Республиканинг жанубий минтақалари шароитида такрорий экин сифатида ерёнғоқ, соя ва мош экинларини етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади. Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги бошоқлидон экинларидан кейин такрорий

экин сифатида ерёнғоқ ва соя экинларининг экиш муддат ва меъёрларини уларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсия этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

танланган такрорий дуккакли–дон экинларини мақбул экиш муддат ва меъёрларини аниқлаш;

танланган такрорий дуккакли–дон экинларини тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

экиш муддати ва меъёрларининг ерёнғоқ ва сояни униб чиқиши ва кўчат қалинлигига таъсирини аниқлаш;

экиш муддати ва меъёрларининг ерёнғоқ ва соянинг бўйи, барглар сони ва барг сатҳига таъсирини аниқлаш;

экиш муддати ва меъёрларининг ерёнғоқ ва соянинг даврлараро ривожланишига таъсирини аниқлаш;

ерёнғоқ ва соянинг дуккаклар сони, дукакдаги дон сони, массаси ва 1000 дона дон вазнини аниқлаш;

ўрганилган омилларнинг ерёнғоқ ва соянинг дон ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини аниқлаш;

ерёнғоқ ва сояни такрорий экин сифатида етиштиришда иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш;

олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқаришга илмий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашққадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида буғдойдан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида ерёнғоқнинг «Саломат», соянинг «Орзу» навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети такрорий ерёнғоқ ва соя экинларини экиш муддати, меъёри, мазкур омилларнинг уларнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лаборатория тадқиқотлари, ўсимликлардаги биометрик ва фенологик кузатувлар ҳамда тупроқ таҳлиллари «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы агрофизических исследований», «Методика исследований с зернобобовыми культурами», «Основные положения определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов НИР, новой техники и изобретения, рационализаторских предложений» каби услубий қўлланмалар асосида амалга оширилиб тажрибаларда олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А. Доспехов усули асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор Қашққадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги бошоқли–дон экинларидан бўшаган майдонларга ерёнғоқ ва соя экиш муддатлари (25.06–05.07, 05.07–15.07) ва меъёрларини (ерёнғоқда гектарига 180, 230, 280, 330 минг/дона, сояда гектарига 200, 250, 300, 350

минг/дона), уруғларни униб чиқиш динамикаси, кўчатлар сони ҳамда уларнинг нобуд бўлиш даражасига таъсири аниқланган;

тадқиқотда ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш фазалари кузатилиб, экиш муддати (25.06–05.07, 05.07–15.07) ва меъёрларини (ерёнғоқда гектарига 180, 230, 280, 330 минг/дона, сояда гектарига 200, 250, 300, 350 минг/дона) ўсимликларни даврлараро ривожланишига таъсири аниқланган;

такрорий ерёнғоқни 05.07–15.07 экиш муддатида гектарига 280 минг дона уруғ, сояни 25.06–05.07 экиш муддатида гектарига 300 минг дона экиш ўсимликларнинг дон ҳосилдорлиги ва сифатига ижобий этиши аниқланган;

такрорий экин ерёнғоқ ва сояни мақбул экиш муддат ва меъёрларда етиштиришда иқтисодий самарадорлик ҳисобланган ҳамда етиштириш агротехникасининг айрим элементлари (экиш муддати, меъёри, кўчат калинлиги) бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Такрорий ерёнғоқ ва соя экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш мақсадида уларнинг мақбул экиш муддати ҳамда меъёрлари ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган;

ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш асосида мазкур экинларни етиштиришдаги ишлаб чиқариш ҳаражатлари 20–25 фоизга камайган, дон ҳосилдорлиги 10–15 фоизга ошган;

тадқиқотдан олинган натижалар Республика қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий ўқув юртларида, қишлоқ хўжалиги техникумларида, коллежларида “Агрономия” фанини ўқитишда фойдаланиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилиши, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ерёнғоқ ва соя экинлари такрорий экин сифатида экилганда экиш муддати ва меъёрларига боғлиқ ҳолда уруғларининг униб чиқиш динамикаси, ўсимликни ўсиши, ривожланиши, ўсиш фазалари орасидаги даврийлик, тупроқдаги озика моддаларга таъсири аниқланиб, улардан мўл ва сифатли ҳосил олиш илмий натижалар асосида асослаб берилган, натижада дон ҳосилдорлиги 10–15 фоизгага ошган, дондаги оксил ва бошқа сифат кўрсаткичлари 5–8 фоизгага яхшиланган,

тупроқдаги озика моддалар миқдори (гумус, азот) ўзининг дастлабки миқдорини сақлаб қолган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида фаолият олиб борувчи фермер хўжаликлари, кластерлар, кооперациялар ва деҳқон хўжаликлари учун ерёнғоқ ва соянинг мақбул экиш муддати ва меъёрлари аниқланиб, ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш асосида мазкур экинларнинг ишлаб чиқариш ҳаражатлари 20–25 фоизгача камайган, дон ҳосилдорлиги 10–15 фоизга ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экиш муддатлари ҳамда меъёрларининг ерёнғоқ ва соянинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири (Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида) бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

такрорий ерёнғоқ ва соя экинларининг экиш меъёри ва муддатларини қўллаш юзасидан “Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида ерёнғоқ ва сояни етиштириш бўйича тавсиянома” тасдиқланиб, фермер хўжалиқларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 2 мартдаги №02/027-882-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома вилоятда ерёнғоқ ва соя етиштираётган фермер хўжалиқларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

такрорий ерёнғоқни 05–15.07. экиш муддатида гектарига 280 минг дона экиш бўйича берилган тавсияга асосан мазкур етиштириш агротехникаси вилоятнинг Касби, Косон ва Қарши туманларида жами 90 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 2 мартдаги №02/027-882-сон маълумотномаси). Натижада гектарига 26,0–27,0 ц. дон ҳосили олиниб, ишлаб чиқаришда қўлланилиб келинаётган агротехнологияга нисбатан дон ҳосилдорлиги ҳамда дон таркибидаги оқсил ва мой миқдори юқори бўлиб, рентабеллик даражаси 62–65 фоизни ташкил этган;

такрорий сояни 25.06–05.07. муддатида гектарига 300 минг дона экиш агротехникаси вилоятнинг Касби, Косон ва Қарши туманларида жами 102 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 2 мартдаги №02/027-882-сон маълумотномаси). Натижада гектаридан 23,0–24,2 ц. дон ҳосили олиниб, ишлаб чиқаришда қўлланилиб келинаётган агротехнологияга нисбатан дон ҳосилдорлиги ҳамда дон таркибидаги оқсил ва мой миқдори юқори бўлиб, рентабеллик даражаси 45–50 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари тадқиқот ўтказилган йилларда Қишлоқ хўжалиги ва озик–овқат таъминоти илмий–ишлаб чиқариш маркази ҳамда дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиали мутахассисларидан иборат махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан ижобий баҳоланиб, йиллик ва жамланма ҳисоботлар ДДЭИТИ Қашқадарё филиалининг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий мақола, жумладан 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда, 4 таси илмий анжуман тўпламларида, 1 таси хорижий илмий анжуман тўпламларида, 2 таси хорижий илмий журналларда ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган. Республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, уларни амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Қашқадарё вилоятининг суғориб деҳқончилик қилинаётган ерларида кузги бошоқли–дон экинларидан бўшаган майдонларга экиб келинаётган ерэнғоқ ва соя навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда тупроқнинг унумдорлиги, агрофизикавий ва агрохимёвий таҳлиллари асосида экиш муддати ҳамда меъёрини тўғри белгилаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда олинган натижалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш услублари ва шароити**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ–иқлим шароитлари, тажриба тизими ва тадқиқот ўтказиш услублари, ерэнғоқ ва сояда ўтказилган фенологик кузатишлар, тажрибада қўлланилган агротехник тадбирлар ҳамда ерэнғоқ ва соя навларининг биологик хусусияти тавсифлари келтирилган.

Дон ва дуккакли экинлар илмий–тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг марказий тажриба хўжалиги далаларининг тупроғи оч тусли бўз тупроқ бўлиб, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан кам ва ўртача даражада таъминланганлиги аниқланган.

Тажриба бошлашдан аввал тажриба ўтказиладиган далалардан конверт усулида тупроқ наъмуналари тупроқнинг 0–30 ва 30–50 см қатламларидан олиниб, тупроқнинг агрофизикавий хоссалари «Методика агрофизических исследований» қўлланмаси асосида, тупроқнинг ҳажм

массаси Н.А.Качинский, гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари П.П.Гриценко, И.М.Мальцева, нитратли азот Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчан калий миқдори П.В.Протасов усуллари билан аниқланган. Дала тажрибаси натижаларининг математик таҳлили Б.А.Доспехов услуби, ўсимликлардаги фенологик кузатишлар эса «Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услубий кўлланма»си асосида ўтказилган.

Тажриба 16 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир вариантнинг майдони 240 м², ҳисобга олинган майдон 120 м² ни ташкил этган. Тажриба бир ярусда, уч такрорлашда олиб борилган. Битта такрорлашнинг майдони 3840 м², умумий майдони 1,15 гектарни ташкил этган. Кузги бошоқли-дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида ерёнғоқни Саломат сояни Орзу навлари танлаб олинган ҳамда ушбу экинлар икки экиш муддатида ((25.06-05.07) - (05.07-15.07)) ва тўрта уруғ экиш меъёрида (ерёнғоқ 180, 230, 280, 330 минг/дона, соя эса 200, 250, 300, 350 минг/дона) экилиб тадқиқот олиб борилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижалари» деб номланган учинчи бобида тадқиқот мақсади ва вазифаларига кўра олиб борилган тажрибаларнинг натижалари жумладан, такрорий дуккакли-дон экинларини тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизикавий хоссаларига таъсири, экиш муддати ва меъёрларининг ерёнғоқ ва соянинг униб чиқиши ва кўчат қалинлиги, бўйи ва барглари сонига, барг сатҳи, амал даврида ривожланишига, дуккаклар сони, дуккакдаги дон сони, массаси ва 1000 дона дон вазнига, дон ҳосилдорлиги ва дон сифатига таъсири баён этилган.


Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқларида бошоқли-дон экинларидан бўшаган майдонларга ерёнғоқ экилиши тупроқ ҳажм массасини ҳайдов (0–30 см) қатламида амал даври бошига нисбатан амал даври охирида биринчи экиш муддатида 0,030 г/см³ дан 0,045 г/см³ гача, иккинчи муддатда 0,014 г/см³ дан 0,016 г/см³ гача ошириши, ерёнғоқни эрта экилиши эса кеч экилганга нисбатан тупроқни 0,023 г/см³ дан 0,029 г/см³ гача кўпроқ зичлаши кузатилган. Экинлар эрта экилган муддатларда ҳажм массани дастлабки миқдорга нисбатан кўпроқ ошиши ерёнғоқда, кеч экилганда эса соя ўсимлигида кузатилган. Бу ўсимликларни парваришлаш мақбул агротехникаси билан боғлиқ. Шунингдек, иккала экинда ҳам экиш меъёрларининг ошиб бориши вариантлар ўртасида тупроқнинг ҳажм массасининг ўзгаришига таъсири кузатилмаган.

Ерёнғоқ кеч муддатда экилганда кўчат қалинлиги нисбатан сақлаб қолинган бўлса, сояни кеч муддатларда экишда эса унинг кўчат қалинлигини эрта экилган муддатга нисбатан амал даври охирида 2,2–2,7фоизга кам бўлишига сабаб бўлганлиги аниқланган.

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги бошоқли-дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида ерёнғоқ ва сояни кеч муддатларда экиш уни эрта муддатларда экишга нисбатан амал даврини тегишли равишда 3–4 ва 2–3 кунга, ерёнғоқ ва

сояда экиш меъёрларини ошириб борилиши ўсимликларни амал даврини ерёнғоқда 1–2 кунга, сояда эса 2–3 кунга узайтирган.

Ерёнғоқнинг дон ҳосилдорлиги бўйича олинган уч йиллик маълумотлар таҳлил қилинганда, ерёнғоқ биринчи муддатда (25.06–5.07.) гектарига 180 минг дона экилганда ўртача дон ҳосилдорлиги 22,1 ц/гани, гектарига 230, 280. 330 минг дона экилганда эса тегишли равишда 23,7, 25,8, 25,3 ц/гани ташкил этиб, ерёнғоқда 1–экиш муддатида экиш меъёрларини ошириб борилиши қўшимча 1,6–3,0 ц/га дон ҳосили олишни таъминлаган. Ерёнғоқни иккинчи экиш муддатида ҳам мазкур қонуниятлар кузатилиб, дон ҳосилдорлиги экиш меъёрлари бўйича 23,7, 25,5, 27,8, 26,4 ц/гани ташкил этган ҳолда, қўшимча ҳосил 1,5–4,0 ц/га бўлганлиги аниқланган.



1-расм. Ерёнғоқнинг уч йиллик дон ҳосилдорлиги, ўртача ц/га.


Соянинг дон ҳосилдорлиги бўйича олинган уч йиллик маълумотларни ўртачаси ҳисоб-китоб қилинганда, соя биринчи муддатда (25.06–5.07) гектарига 200 минг дона экилганда ўртача дон ҳосилдорлиги 18,6 ц/гани, гектарига 250, 300. 350 минг дона экилганда эса тегишли равишда 19,3, 23,6, 22,0 ц/гани ташкил этиб, сояда 1–экиш муддатида экиш меъёрларини гектарига 200 минг донадан 300 минг донагача ошириб борилиши қўшимча 0,8–4,9 ц/гача дон ҳосили олишга эришилган. Сояни иккинчи экиш муддатида ҳам мазкур қонуниятлар кузатилиб, дон ҳосилдорлиги экиш меъёрлари бўйича 17,0, 18,7, 20,4, 22,1 ц/гани ташкил этган ҳолда, қўшимча ҳосил экиш меъёрлари бўйича 1,7–3,4 ц/га бўлган.

Диссертациянинг «Иқтисодий самарадорлик ва ишлаб чиқаришдаги тажриба натижалари» деб номланган тўртинчи бобида ерёнғоқ ва сояни тақрорий экин сифатида етиштиришда иқтисодий самарадорлик ҳамда ишлаб чиқариш тажриба натижалари баён этилган.

Ерёнғоқ ва сояни белгиланган экиш муддатлари ва меъёрларида етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланганда, ерёнғоқнинг уч йиллик ўртача ҳосилдорлиги биринчи экиш муддатида экиш меъёрларига мувофиқ тегишли равишда 21,5 ц/га; 23,1 ц/га; 24,5 ц/га ва 24,0 ц/гани ташкил этган, соф даромад эса гектарига 19589,2 минг; 21244,4 минг;

22654,8 минг ва 22110,6 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса 65,6 %; 70,6 %; 73,7 % ва 71,5 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, ерёнғоқ кеч (5.07–15.07.) муддатда экилганда экиш меъёрлари бўйича ўртача ҳосилдорлик тегишли равишда 22,4 ц/га; 23,9 ц/га; 26,4 ц/га ва 24,8 ц/га ни ташкил этиб, соф даромад гектарига 20534,2 минг; 22084,4 минг; 24649,8 минг ва 22949,6 минг сўм бўлганлиги аниқланган. Ерёнғоқ етиштиришда энг юқори иқтисодий самарадорлик тажрибанинг 7-вариантида кузатилиб, соф даромад 24649,8 минг сўмни, рентабеллик даражаси 80,3 % бўлганлиги кузатилган.



2-расм. Соянинг уч йиллик дон ҳосилдорлиги, ўртача ц/га.

Такрорий экин соя бўйича иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил этилганда, соя эрта (25.06–5.07) муддатда экиш меъёрларига кўра тегишли равишда уч йиллик ўртача ҳосилдорлик 18,6 ц/га; 19,3 ц/га; 23,6 ц/га ва 22,0 ц/га ни ташкил этган, соф даромад гектарига 12755,8 минг; 13285,4 минг; 16695,5 минг ва 15385,2 минг сўмни, рентабеллик даражаси эса 60,0 %; 61,7 %; 76,4 % ва 69,5 % бўлганлиги аниқланган.

Соя иккинчи муддатда экилганда ўртача ҳосилдорлик экиш меъёрларига нисбатан тегишли равишда 17,0 ц/га; 18,7 ц/га; 20,4 ц/га ва 22,1 ц/га ни ташкил этганлиги, соф даромад гектарига 11475,8 минг; 12805,4 минг; 14135,5 минг ва 15465,2 минг сўмни, рентабеллик даражаси муддатларга ҳамда экиш меъёрига тегишли равишда 6,0 %; 2,3 %; 11,7 % ва 2,4 фоизга кам бўлганлиги аниқланган. Сояда энг юқори иқтисодий самарадорлик 11-вариантда кузатилиб, энг юқори соф даромад 16695,5 сўм/гани, рентабеллик даражаси 76,4 фоизни ташкил этган.

Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида такрорий етиштириш тажрибасидан олинган маълумотларга кўра, ерёнғоқ 05.07–15.07. муддатда гектарига 280 минг дона (143 кг) экилганда унинг ўсиб-ривожланиши 25.06–05.07. муддатда гектарига 330 минг дона (168 кг)

экилганга нисбатан дондан кўшимча 2,1 ц/га ҳосил, такрорий сояни 25.06–05.07. муддатда гектарига 300 минг дона (39 кг) экилганда унинг ўсиб–ривожланиши 05.07–15.07. муддатда гектарига 350 минг дона (46 кг) экилганга нисбатан яхши бўлганлиги, дондан эса кўшимча 1,6 ц/га ҳосил олинганлиги аниқланган.

Умуман олганда, ишлаб чиқариш тажрибалари натижалари амалий тажрибадан олинган маълумотларга мос келиб, ишлаб чиқаришда ҳам мазкур вариантларни қўллаб, экинларни парвариш қилиш юқори ҳосил олишини таъминлаши илмий томондан асосланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Қашқадарё вилоятининг иқлими ҳамда оч тусли бўз тупроқлар шароити кузги бошоқли–дон экинларидан кейин такрорий экин сифатида ерёнғоқ ва соядан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун жуда қулай эканлиги ҳамда кейинги йилларда вилоятда тупроқлар унумдорлигининг камайиб бораётганлигини этиборга олиб, мазкур дуккакли–дон экинларини ғўза–ғалла навбатлаб экиш тизимларига такрорий экин сифатида киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ерёнғоқни экиш муддатлари тупроқдаги озика элементлари миқдорига ўз таъсирини кўрсатмади, аммо экиш меъёрларини 180 минг донадан 330 минг донага ошириб борилиши тупроқдаги гумусни 0,002 фоиздан 0,009 фоизга, азотни 0,002 фоиздан 0,006 фоизга, фосфорни 0,002 фоиздан 0,004 фоизга, сояни эрта муддатда (25.06–05.07) экилиши кеч муддатда (05.07–15.07) экилишига нисбатан тупроқдаги гумусни 0,004 фоиздан 0,007 фоизгача, азотни 0,001 фоиздан 0,008 фоизгача, фосфорни 0,002 фоиздан 0,004 фоизгача, экиш меъёрларини гектарига 200 минг донадан 300 минг донага ошириб борилиши эса гумусни 0,011 фоиздан 0,017 фоизга, азотни 0,002 фоиздан 0,008 фоизга, фосфорни 0,002 фоиздан 0,004 фоизга ошишини таъминлади.

Шунингдек, ерёнғоқни экиш муддатларидан қатъий назар экиш меъёрларини ошириб борилиши тупроқдаги нитратли азотни 0,8–2,0 мг/кг, ҳаракатчан фосфорни 0,2–0,9 мг/кг.га оширади, алмашинувчан калийни 0,1–0,3 мг/кг.га камайтиради. Сояни эрта муддатда экилиши кеч экилишига нисбатан тупроқдаги нитратли азотни 0,2–0,4 мг/кг, ҳаракатчан фосфорни 0,4–1,2 мг/кг. га оширади, алмашинувчан калийни эса 0,1–0,5 мг/кг. га камайтирди. Сояда экиш меъёрларини ошириб борилиши эса нитратли азотни 0,2–1,0 мг/кг кўпайишига, ҳаракатчан фосфорни 0,1–0,7 мг/кг. га, алмашинувчан калийни 0,2–0,5 мг/кг. га камайишига оли келади.

3. Ерёнғоқни эрта муддатда экилиши кеч муддатда экилганга нисбатан тупроқнинг ҳайдов қатламини 0,023 г/см³ дан 0,029 г/см³ гача кўпроқ зичлашиши кузатилди. Тупроқ ҳажм массасини дастлабки миқдорга нисбатан кўпроқ ошиши эрта муддатда экилган ерёнғоқда ва кеч муддатда экилган сояда кузатилди. Буни ўсимликларнинг биологияси ва парваришlash агротехникаси билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин.

4. Ерөнғоқ ва сояни иккала экиш муддатида ҳам экиш меъёрларини ошириб борилиши уруғлар униб чиқишини 0,2 фоиздан 0,5 фоизгача кўп бўлишини, уруғларни эрта муддатга нисбатан 6–7 кун кеч экилиши эса уларни 4,0 фоиздан 6,0 фоизгача эрта униб чиқишини таъминлайди.

Шунингдек, такрорий ерөнғоқ ва сояда экиш меъёрларини ошириб борилиши кўчатларни амал даври охирига келиб тегишли равишда 1,1; 2,6 % нобуд бўлишига, ерөнғоқни кеч муддатда экилиши кўчатларни 0,1–1,2 фоизга, сояни эрта муддатларда экилиши эса 2,2–2,7 фоизга сақлаб қолишини таъминлайди.

5. Экиш меъёрини 180 минг донадан 330 минг донага оширилиши ерөнғоқда ўсимлик бўйини 1,5–7,7 см, сояда эса 1,9–2,4 сантиметрга баланд, барглар сонини эса тегишли равишда 1,4–3,6; 4,9–5,8 донага кўп бўлиши аниқланди. Ерөнғоқ кечки муддатда экилганда бўйининг баландлиги эрта муддатда экилган ўсимликлар бўйидан 6,1–6,6 см. баланд, барглар сони эса 4–6 дона кўп, сояни эрта муддатларда экилиши эса кеч экилган муддатларга нисбатан ўсимлик бўйи 1,5–11,5 см. баланд, барглар сони эса 2,8–3,1 донага кўп бўлганлиги аниқланди.

6. Такрорий ерөнғоқ кеч муддатда экилганда эрта экилган муддатга нисбатан барг сатҳи 76 см² дан 842,2 см² гача, соя эрта муддатда экилганда эса кеч экилган муддатга нисбатан барг сатҳи 181,3 см² дан 848,2 см² гача ошди.

7. Ерөнғоқда экиш меъёрини гектарига 180 минг донадан 330 минг донага оширилиши амал даврини 1–2 кунга, сояни эса 2–3 кунга, ерөнғоқ ва сояни кеч муддатларда экиш эрта муддатларда экишга нисбатан амал даврини тегишли равишда 3–4 ва 2–3 кунга узайтиради.

8. Ерөнғоқнинг экиш меъёрларини гектарига 180, 230 минг донадан 280 ва 330 минг донага оширилиши бир туп ўсимликдаги дуккаклар сонини 4,2–7,1 донага кўп бўлишини таъминлаган бўлса, бир туп ўсимликдаги дон сони 15,4–16,7 донага, бир ўсимликдаги дон массаси 3,02–3,28 г.га, 1000 дона дон массаси 0,4–0,7 граммга кам бўлганлиги, ерөнғоқ кеч муддатда экилганда эрта муддатда экилганга нисбатан бир туп ўсимликдаги дуккаклар сони 2,6–10,3 донага, бир туп ўсимликдаги дон сони 1,4–4,9 донага, бир туп ўсимликдаги дон массаси 0,19–0,48 граммга, 1000 дона дон массаси 0,4–4,7 граммга кўп бўлганлиги аниқланди.

9. Сояни экиш меъёрларини гектарига 200 минг донадан 300 минг донага оширилиши бир туп ўсимликдаги дуккаклар сонини 0,9–3,4 донага оширган бўлса, гектарига 200 ва 250 минг дона меъёрларда экилганда дон сони ва массаси гектарига 300 ва 350 минг дона экилган вариантлардаги дон сонидан тегишли равишда 15; 23 дона ва 16,1; 16,2 граммга кўп, сояни эрта муддатда экиш ўсимликдаги дуккаклар сони, дуккакдаги дон сони ва 1000 дона дон массасини кеч экилган муддатга нисбатан тегишли равишда 0,8–4,1 донага, 3–16 донага, 1,3–11,9 граммга, 0,6–1,3 граммга юқори бўлиши аниқланди.

10. Ерөнғоқ кеч муддатда (05.07–15.07.) гектарига 280 минг дона экилганда энг юқори дон ҳосили кузатилиб, ўртача 26,4 ц/гани ташкил

этди. Ерёнғокни экиш меъёрларини гектарига 180 минг донадан 280 минг донагача ошириб борилиши биринчи муддатда 1,5–3,0 ц/га, иккинчи муддатда 1,5–4,0 ц/га қўшимча дон ҳосили олишни таъминлади. Сояни эрта муддатда (25.06–05.07.) гектарига 300 минг дона экилганда энг юқори дон ҳосили кузатилиб, ўртача 23,6 ц/гани ташкил этди. Сояни экиш меъёрларини гектарига 200 минг донадан 300 минг донагача ошириб борилиши эса қўшимча 0,8–4,9 ц/гача дон ҳосили олишни таъминлади.

11. Ерёнғокни экиш меъёрларини гектарига 180 минг донадан 280 минг донага оширилиши эрта экилган муддатларда уруғдаги мой миқдорини 0,3–0,7 фоизга, оксил миқдорини 0,4–1,0 фоизга, кеч экилган муддатларда эса тегишлича 0,5–1,2%; 0,1–0,6 фоизга, сояни экиш меъёрларини гектарига 200 минг донадан 300 минг донага оширилиши эса эрта экилган муддатларда уруғдаги мой миқдорини 0,1–0,4 фоизга, оксил миқдорини 0,2–0,4 фоизга, кеч экилган муддатларда эса тегишлича 0,1–0,3%; 0,1–0,4 фоизга юқори бўлишини таъминлади.

12. Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида ерёнғокни 05.07–15.07 муддатда гектарига 280 минг дона экилганда энг юқори соф даромад 24649,8 сўм/гани, рентабеллик даражаси 80,3 фоизни, сояни 25.06–05.07. муддатда гектарига 300 минг дона экилганда энг юқори соф даромад 16695,5 сўм/гани, рентабеллик даражаси 76,4 фоизни ташкил этди.

13. Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ерёнғок ва соядан юқори ҳосил олиш учун ерёнғокни такрорий экин сифатида кеч (05.07–15.07.) муддатда гектарига 280 минг дона, сояни эрта (25.06–05.07.) муддатда гектарига 300 минг дона экиш тавсия этилади.

Юқори миқдорда оксил олиш учун ерёнғокни эрта (25.06–05.07.) муддатда гектарига 280 минг дона, юқори миқдорда мой олиш учун эса кеч (05.07–15.07.) муддатда гектарига 280 минг дона, соядан юқори миқдорда оксил ва мой олиш учун уни эрта (25.06–05.07.) муддатда гектарига 300 минг дона экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 05/30.10.2020.Qx.126.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ PhD ПРИ АНДИЖАНСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

**КАШКАДАРЬИНСКИЙ ФИЛИАЛ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО ИНСТИТУТА ЗЕРНА И
ЗЕРНОБОБОВЫХ КУЛЬТУР**

МАХМУДОВ УТКИР ХАЙДАРОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ СРОКОВ И НОРМ ПОСАДКИ НА РОСТ, РАЗВИТИЕ И
ПРОДУКТИВНОСТЬ АРАХИСА И СОИ (В УСЛОВИЯХ СВЕТЛО-
СЕРОЗЁМНЫХ ПОЧВ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)**

06.01.08-Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

АНДИЖАН–2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.3,PhD/Qx458.

Диссертация выполнена в Кашкадарьинском филиале Научно-исследовательского института зерна и зернобобовых культур

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (ftga_info@edu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: Халиков Баходир Мейликович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: Ёрматова Дилором Ёрматовна,
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Саттаров Масьуджон Ахтамович,
кандидат сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник.


Ведущая организация: Научно-исследовательский институт
генетических ресурсов растений


Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «9» 07 2021 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD 05/30.10.2020.Qx.126.01 при Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологии. (Адрес: 1170600, Андижанская область Андижанский район поселок Куйган яр улица Олийгох дом-1. АКХАИ. Тел: (+99874)373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; E-mail:agai_info.uz@edu.uz. (Административный корпус Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии, I этаж, зал заседаний.


С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии. (зарегистрирован № 06. Адрес: 1170600, Андижанская область, Андижанский район поселок Куйган яр улица Олийгох дом-1. АКХАИ. Тел: (+99874)373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63. Информационно-ресурс центра

Автореферат диссертации разослан «28» 06 2021 года
(реестр протокола рассылки № 06 от «28» 06 2021 года.)




А. Нисатов
Председатель научного совета по
присуждению учёной степени, д.с.х.н.,
профессор.


С.О.Абдурахмонов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёной степени, д.с.х.н.,
и.о. профессор.


К.С.Комилов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёной степени, к.с.х.н., доцент

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в практике мирового сельского хозяйства достигается широкое внедрение новых ресурсосберегающих технологий, защищающих и сохраняющих плодородие почвы, способствующих улучшению агробиологических свойств земель, получению высокого и качественного урожая культур. «По данным международной организации ООН арахис высевают в 117 странах мира, где посевная площадь составляет 27,7 млн гектар, общий урожай 44 млн тонн, с каждого гектара получают 1,6 (16 ц/га) тонн урожая. В мире соя возделывается на площади более 109,7 млн гектар, посевная площадь ежегодно повышается на 4-5 % и в год получают более 370 млн тонн зерна сои»³. Наряду с этим особое внимание уделяется на рациональное использование орошаемых земель, возделыванию повторных культур, а также получению высокого урожая этих культур.

В настоящее время особое значения имеет проведение научных исследований по повышению урожайности арахиса и сои. При возделывании этих культур актуальной задачей считается проведение научных исследований и внедрение полученных результатов в производство по определению сроков и норм посева, повышению урожайности и качества зерна, обеспечение потребности населения на масличные продукты и животноводства кормами тоже актуальным вопросом является определение сроков посадки арахиса и сои и проведение исследований в направлении установления норм.

На сегодняшний день в Республике в качестве основной культуры арахис высевается на 28-30 тысяч гектар, а в качестве повторной культуры на 23-24 тысяч гектар. В целях обеспечения сырьем масличной промышленности в последние три года посевные площади сои увеличены от 5 тысяч до 17 тысяч гектар. «В Указе Президента Республики Узбекистан разделе 3.3 в стратегии действия Республики Узбекистан на 2017-2021 годы посвященной развитию сельского хозяйства»⁴ намечены особые задачи «сокращение площадей всеваемых зерноколосовых культур, оптимизация посевных площадей за счёт высева масличных культур на освобожденных землях» В связи с расширением из года в год посевных площадей этих культур, особенно, расширение площадей сои подходит южным регионам республики, что в настоящее время является актуальной задачей по изучению агротехники возделывания этих культур в почвенно-климатических условиях Кашкадарьинской области.

Данная диссертационная работа в определенной степени направлена на выполнение задач постановления Президента Республики Узбекистан от 14 марта 2017 года за №2832 «О мерах по посеву сои и повышению возделывания зерна сои в Республике в период 2017-2021 годы» и

³ http://faostat.fao.org/site/567/Desk_top_Default.As_px?Page_ID=567

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 10 февраля 2018 года за №105 «О мерах по увеличению объема производства сои в Республике», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этом направлении.

